ЁШЛАР МАЬНАВИЙ ТАРБИЯСИ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

ТТЕСИ, ”Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият” кафедраси.

Р.А. Бегматов

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон ёшларини маьнавиятини юксалтириш, маьнаий қиёфасини шакллантириш,аҳлоқий тарбиялашнинг жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги қичқача ёритилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар,маьнавият,ахлоқ,маьнавий баркамоллик,, таълим-тарбия, мақсад, маьсулият ,ворисийлий ,маьнавий қадриятлар.*

Аннотация*. В статье кратко рассматривается важность повышения духовности узбекской молодежи, формирования ее духовного образа и нравственного воспитания в развитии общества.*

Ключевые слова: *молодежь, духовность, нравственность, духовная зрелость, образование, цель, ответственность, наследственность, духовные ценности.*

Abstract. *The article briefly discusses the importance of raising the spirituality of Uzbek youth, forming their spiritual image, and moral education in the development of society.*

Keywords*: youth, spirituality, morality, spiritual maturity, education, goal, responsibility, hereditary, spiritual values.*

Ҳозирги кунда ёшларни мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқарашга эга,барча жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашувчи,

мустаҳкам фуқаролик позитциясига эга этиб тарбиялаш мухим устувор вазифа ҳисобланади.Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда ёшларимизни тарбиялашда эртанги кун учун маьсулият ва ворисийлик масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.Чунки ёшлар мамлакат ва жамиятнинг эртанги кунини, бугун бошланган ислоҳотларнинг эртага қандай давом этишини белгилайди. Шундай экан, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган авлодни фақат жуда пухта ўйланган ва изчил рўёбга чиқариладиган ёшларга оид давлат сиёсати воситасида тарбиялаш мумкин.

Мустақиллигининг дастлабки кунларидан, ёшлар ва уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланган эди. Табийки, жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари замирида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар турар эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳнамолиги асосида ёшларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларни турли иллат ва зарарли таъсирлардан сақлаш бугунги кунда нафақат мамлакатимизнинг балки, унда яшаётган барча фуқароларимизнинг олдида турган энг масъулиятли вазифадир. Ватанимиз келажаги ва тараққиёти ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёшлар қўлидадир.

Маънавиятнинг беқиёс қудратини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 19 январда “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисод бўлса, унинг жони ва руҳи

маънавиятдир! Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларига асосланган кучли манавият”,[1]- деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиётини барпо этишда кучли иқтисодиёт билан бир қаторда кучли маънавиятга таяниш зарурлигини илгари сурар экан, стратегик нуқтаи назардан маънавият категориясига шундай таъриф беради: “Биз учун маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, “маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир”[2] Ушбу таърифда маънавиятнинг чексиз даражадаги қудрат эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда жаҳон миқёсида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғатида ”маънавият” тушунчасига фуйидагича таьриф берилган:“Маънавият тушунчаси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисидир. Тор маънода эса жамият маънавий ҳаётини кўрсатиш учун қўлланилади.

Маънавий юксалиш – жамиятнинг юксалиши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ топади ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади.” [3]

Президентимиз ёшлар тарбияси,жамиятнинг ривожланишига аахлоқий нормаларининг аҳамияти ҳақида фикр юритиб,“Инсониятнинг бир неча минг йиллик тараққиёти шундан далолат берадики, ҳар қандай цивилизациянинг асоси – маънавият! Ҳар қандай цивилизациянинг таназзули – ахлоқсизлик! Бу бевосита минг йилликлар мобайнида синовдан ўтган ҳодиса. Цивилизациянинг асосий белгилари қуйидагилардир: мураккаб меҳнат тақсимоти, давлатнинг мавжудлиги, бозор иқтисодиёти, ривожланган маданиятнинг мавжудлиги. Шу ўринда биргина Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарини эслаш кифоя.”,-деган фикрларини мисол келтириш мумкин [4]

Ҳар инсоннингмаънавий қиёфасини шаклланиши мезонлари файласуф Қ Назаровнинг қуйидаги фикрларида аниқ акс этган. “Шахс маънавияти жамиятда ижтимоий ҳаётда шахснинг бахтли бўлиши учун тўғри фикрлаш, сўз ва амалнинг бирлиги, рост сўзлаш, ҳалол меҳнат қилиш, хуш ахлоққа эга бўлишдан иборатдир. Шахс маънавият даражаси унинг кишилик жамиятининг юксак ақлий қадриятларига қай даражада риоя қилиб яшаш билан белгиланади.”[5]

Ахлоқ инсон маънавиятининг муҳим мезонларидан бири бўлгани боис шахс маънавияти деганда, аввалambор, унинг ахлоқий баркамоллиги, ўз фаолиятида маънавий қадриятларга, чунончи, адолат, гўзаллик ва эзгулик ғояларига таяниб иш кўриши назарда тутилади.

Баркамол шахс инсоннинг маънавий қиёфаси, ижтимоий ҳаёт, онг ва муносабатлар билан боғлиқ бўлган, жамият тараққиёти ва турмуши таъсирида шаклланган маънавий хусусият ва хислатларини ифодалайди. Баркамол шахс унинг имон-эътиқоди асосида ҳалол-поклик, меҳр-

шафқат, адолат ва ҳақиқатгўйлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, камтарлик ва шу кабиларда намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Жамият ҳётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // Халқ сўзи, 2021 йил 20 январь.

2.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси,-Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.-б.261.

3.Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2010-б.326.

4.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2022.-288-бет.

5.Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб. –Т.: “Маънавият” нашриёти, 2023.-523-б.